

**Выводы и предложения.** До развития системы кластеризации кластерам должны выделить субсидии из государственного бюджета, хозяйственное управление, по большому счету, они должны осуществляются региональными центрами кластерного развития (ЦКР) под эгидой местных органов исполнительной власти. ЦКР – специализированные организации, предназначенные для реализации кластерной политики в регионе путем оказания поддержки малому и среднему предпринимательству в виде спектра консультационных и организационных услуг. Главную цель в процессе реализации кластерной политики должен состоять в создании точек опережающего роста экономики,

инновационном развитии, увеличении экспорта высокотехнологической продукции и росте конкурентоспособности отечественной экономики. Активная политика по импортозамещению в результате обострения отношений с традиционными зарубежными партнерами в области инноваций и технологий, а также изменение национального валютного курса на стоимость ввоза служат катализатором для дальнейшего развития инновационных кластеров.

Как показывает практика, формирование таких сложных экономических систем, как кластеры, технопарки и др., невозможно без активной поддержки координации со стороны органов государственной власти и управления.

#### Источник и список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы // Lex.uz
2. Ashem B. (1996), *Industrial districts as "learning regions": a condition for prosperity*, *European Planning Studies* 4(4), pp .379–400 .
3. Beccatini, G. , *From Marshall's to the Italian "Industrial districts". A brief critical reconstruction* Cooke P. (2001), *Regional innovation systems, clusters and the knowledge economy*, *Industrial and Corporate Change* 10 (4), pp .945–974 .
4. Porter M. (1998), *On Competition*. Harvard Business School Press: Cambridge M. *Clusters and Competition*, *New agendas for Companies, Governments and institutions*.
5. Бандман, М.К. *Территориально-производственные комплексы: теория и практика предплановых исследований* / М.К. Бандман. – Новосибирск: Наука, 1980. – С. 256.;
6. Калмуратов Б. *Концепция инновационного управления развития промышленности региона* // Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №1(80)-2021 35-38 стр.
7. Пилипенко И.В. *Кластеры и территориально-производственные комплексы в региональном развитии*. // *Региональное развитие и региональная политика России в переходный период* / Под общ.ред. С.С. Артоболевского, О.Б. Глезер. – М.: Изд-во МГТУ им Н.Э. Баумана, 2011. – С. 191–208 .
8. Сафронов, Н.А. *Экономика организации: учебник* / под ред. проф. Н.А. Сафронова. – М.: Экономист, 2004. – 251 с.
9. Батталова А.А. *Оценка потенциала кластеризации отрасли* / А. А. Батталова. // Интернет-журнал *Науковедение*. – Выпуск № 6 (19). – 2013. – С.1–8., Винокурова М.В. *Конкурентоспособность и потенциал кластеризации отраслей экономики Иркутской области* / М.В. Винокурова // *ЭКО*. – 2006. – № 12. – С.73–91. Курченков В.В., Пономарева Л.В., Фетисова О.В. *Особенности структурной идентификации и классификации региональных экономических кластеров* / В.В. Курченков, Л.В. Пономарева, О.В. Фетисова // *Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика*. – 2018. – №2. – С. 112 – 118., Лаврикова Ю.Г. *Кластеры: стратегия формирования и развития в экономическом пространстве региона*. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН. – 2008. – 232 с.
10. *Собрание законодательства Республики Узбекистан*, 2017. – № 1, ст.1. 2.



## МИНТАҚАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Хасанов Сардор Хазраткулович -**  
Қарши муҳандислик-иқтисодий  
институтини мустақил тадқиқотчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a60](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a60)

**Аннотация.** Ушбу мақолада минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги моҳияти, унга таъсир этувчи омиллар ва баҳоловчи кўрсаткичлар ўрганилган. Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичи минтақа иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичи сифатида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, минтақа, рақобатбардошлик, барқарор рижожланиш, иқтисодий ривожланиш, инсон тараққиёти индекси.

## ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕГИОНА

**Хасанов Сардор Хазраткулович -**  
Соискатель Каршинский инженерно-  
экономический институт

**Аннотация.** В статье исследовано сущность экономической безопасности региона влияющие факторы и показатели его оценки. Индекс человеческого развития анализировано как интегральный показатель оценки экономической безопасности региона.

**Ключевые слова:** экономический безопасность, регион, конкурентоспособность, стабильный экономический рост, экономическое развития, индекс человеческого развития.

*Hasanov Sardor Hazratkulovich -  
Applicant Karshi Institute of  
Engineering and Economics*

**Annotation.** The article examines the essence of the economic security of the region, influencing factors and indicators of its assessment. The human development index is analyzed as an integral indicator of the assessment of the economic security of the region.

**Keywords:** economic security, region, competitiveness, stable economic growth, economic development, human development index.

**Кириш.** Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номунатосибликлар қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи таъсири натижаси минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти, бюджет таъминоти ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигида намоён бўлади. Бугунги жаҳон иқтисодиётининг беқарорлиги шароитида Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларининг ривожланишида чекловчи тавсифга эга бир қатор омиллар аниқланмоқда ва бу мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодий хавфсизлигини тадқиқ этиш долзарблигини белгилайди.

Шу муносабат билан миллий иқтисодиёт ва унинг минтақаларининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги қатор таҳдидларни бартараф этиш зарурати, мамлакат ва унинг минтақаларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситаларини чуқур назарий тадқиқ этишни ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши олдини олиш мақсадида давлатнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим.

**Адабиётлар таҳлили.** Минтақаларнинг иқтисодий хавфсизлиги даражасини таъминлаш масалалари билан хорижлик олимлар Ф.Д.Рузвельт, Д.Норт, Л.Девис, О.В.Дамаскин, В.Кейбл, Р.Кейли, Г.Маук, К. Мердюк, Х.Молл, Л.Олви, А.Паттокс, Т.Уильямс, Л.Хоффман, Ф.Хэмпсон ва россиялик олимлардан Н.В.Дюженков, С.Д.Бодрунов, Меньшиков, Ю.В.Яковец, С.Ю.Глазьев, М.А.Жиронкин, О.Ю.Красильников, Ю.В.Яременко ва бошқалар бу мавзуга бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Х.П.Абулқосимов, Т.Т.Жўраев, Т.С.Расулев, А.А.Маматов, Ш.Х.Қобилов, Ш.А.Аллаяров ва Б.О.Турсуновларнинг илмий тадқиқот ишларида минтақаларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва методологик масалалари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб борилган.

АҚШ Президенти Ф.Д.Рузвельт дунёда биринчи марта “Иқтисодий хавфсизлик қўмита-

си”ни ташкил этди ва миллий хавфсизлик тушунчасини амалиётга киритди [1].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш институционал омилга боғлиқ. Шу муносабат билан америкалик олимлар Д.Норт ва Л.Девис фикрига кўра, институционал муҳит асосий сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қоидалар мажмуи бўлиб улар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимот учун базис яратади [2].

Масалан, О.В.Дамаскин минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини “минтақа иқтисодиётининг шундай ҳолатида, унда ички ресурслар ҳисобидан талаб даражасидаги турмуш даражаси, тўлиқ бандлик, барқарор иқтисодий ривожланиш таъминланади, ташқи муҳит таъсири учун компенсация тақдим этилади” [3].

Н.В.Дюженков ва унинг ҳамкасблари минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини ялпи ҳолатда минтақа даражасида иқтисодиётни “самарали бошқарув асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бошқа минтақалар ва бутун давлатга нисбатан таҳдидларни вужудга келтирмаган ҳолда минтақа аҳолиси учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва ички ва ташқи таҳдидларнинг таъсирига минтақанинг қарши тура олиш қобилияти” [4] деб баҳо берадилар.

Ўзбекистонлик олимлардан Т.С.Расулов, К.А.Акбарова: “Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, иқтисодий хавфсизлик мамлакат, ҳудуд, фирма, компаниянинг иқтисодий инқирозга учраш хавфидан ҳимоя қилиш бўйича кўрадиган чор-тадбирлари мажмуидир” [5], – деб баҳо беришади.

Х.П.Абулқосимов: “Минтақавий хавфсизлик мамлакат вилоятлари манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ва ижтимоий хавфсизликларни олади” [6], – деб баҳо берган.

Бироқ глобализация шароитида миллий иқтисодиётнинг ташқи ва ички таҳдидларини минтақаларнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсири тадқиқ этиш ва уни баҳолашга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш тақозо этилмоқда. Ушбу жиҳатлар илмий иш мавзуси-

нинг долзарблиги ва муҳимлигини белгилаб берди ҳамда тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлди.

**Тадқиқот методологияси** сифатида ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқот ишлари асос бўлади. Тадқиқотда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги минтақа иқтисодиётини узлуксиз ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича стратегик чора-тадбирлар мажмуи туфайли ташқи ва ички таҳдидлардан бугунги кун ва истиқболдаги ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади. Минтақаларнинг иқтисодий хавфсизлиги қуйидаги даражаларда кўриб чиқилади:

1) локал, яъни қонунчилик, экологик, ресурсли, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан таъсири ўрганилади;

2) тизимли равишда, иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи омиллар мажмуи сифатида бир бутун сифатида ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрда қилган Мурожаатномасида: “Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз” [7], – деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар итимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясида узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини чекловчи мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, хавф-хатар ва таҳдидларни ҳал этиш, шунингдек, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ҳозирги ҳолатидан барқарор ривожланишга ўтишнинг мақсадлари ва устуворликларини белгилаш ва аҳоли ҳаёт даражасини оширишдек устувор вазифа белгиланган [8]. Янги Ўзбекистон стратегияси иқтисодий нуқтаи назардан ҳудудлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларни барқарор ривожлантиришни кўзлайди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш зарур [9].

Миллий иқтисодиёт ва унинг минтақалари барқарор ўсиши учун тўсқинлик қиладиган шароитлар вужудга келувчи ҳолатларда

иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар пайдо бўлади. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш учун минтақаларнинг ҳолати ва муаммоларини, депрессив, инқирозли ҳамда истиқболли минтақаларни аниқлаш зарур. Бунинг учун минтақаларнинг барқарорлик индикаторларини аниқлаш керак. Минтақалар ривожини мажмуавий баҳолаш учун кўп ўлчамли қиёсий таҳлил услубини қўллаш мумкин, унинг ёрдамида ҳар қандай минтақа матрица (а у) кўринишида ёзилган индикаторлар мажмуи асосида ўрганилади. Сўнг индикаторларнинг энг яхши қийматлари танлаб олинади ва энг яхши индикаторлар матрицаси (а и й<sub>мах</sub>) яратилади. Кейин эса а<sub>й</sub> кўрсаткичлари а<sub>й мах</sub> га бўлинади:

$$X_{иж} = \frac{а_{иж}}{а \text{ и } мах} \quad (1)$$

Минтақанинг рейтинг баҳоси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$P_{и} = VK_1X_{1и}^2 + K_2X_2 + \dots + K_nX_n \phi. \quad (2)$$

Рейтинг баҳоларини ҳисоблаб чиқиш натижасида минтақаларга бошқа минтақалар орасида ўрин берилади. Хориж амалиётида минтақаларни табақалаш натижаларини қўшиб чиқиш усулидан фойдаланилади, у аввало, минтақанинг ҳар бир индикатор бўйича даражасини аниқлашни кўзда тутди. Минтақанинг умумий рейтинги барча индикаторлар бўйича ўринлар йиғиндиси билан белгиланади. Энг паст натижага эришган минтақа энг юқори рейтингга эга бўлади [10].

Мамлакат ЯИМ ҳажмидаги минтақанинг улуши унинг ушбу маҳсулот яратишдаги ўрни, унинг иқтисодий ўсиш сифатидаги ўзгаришларни белгиловчи асосий кўрсаткичдир [11]. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ялпи ҳудудий маҳсулот сифатидаги ўзгаришларга ва иқтисодий ўсиш даражаси бўйича, яъни ЯИМни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариши бўйича республика кўрсаткичидан, 100 %дан юқори бўлган, иккинчи гуруҳга 81-100 %гача, учинчи гуруҳга 80 %дан кам улушга эга минтақалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси минтақалари иқтисодий ривожланиши даражалари бўйича кескин фарқ қилади. Аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича қиёсланганда, иқтисодий ўсиш сифатининг энг юқори ва энг қуйи даражасида ривожланган вилоятлар кўрсаткичлари ўртасида кескин фарқ мавжуд. Жумладан, биринчи гуруҳ минтақаларида учинчи гуруҳ минтақаларига нисбатан бу кўрсаткич 3,0 марта юқори.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларини аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича гуруҳлаш (2020 йил жорий баҳоларда республика кўрсаткичига нисбатан) [12]

Минтақаларни аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан гуруҳлаш	Республика кўрсаткичига нисбатан % ҳисобида		
	Аҳоли жон бошига ЯИМ, %да	ЯИМ ҳажми, %да	Аҳолиси, %да
1-гуруҳ			
Республика кўрсаткичига нисбатан (100 %) юқори бўлган	154,2	27,8	19,2
А) Навоий вилояти	181,8	5,3	2,9
Б) Тошкент ш.	173,2	13,1	7,6
Д) Тошкент вилояти	107,8	9,4	8,7
2-гуруҳ			
81 дан-100 %гача	90,7	5,2	5,7
А) Бухоро вилояти	90,7	5,2	5,7
3-гуруҳ			
80 %гача	65,6	48,4	75,1
А) Сирдарё вилояти	80,6	2,0	2,5
Б) Қашқадарё вилояти	72,2	7,0	9,7
Д) Андижон вилояти	72,2	6,7	9,2
Э) Жиззах вилояти	71,4	2,9	4,1
Ф) Хоразм вилояти	67,3	3,7	5,5
Г) Самарқанд вилояти	67,0	7,7	11,4
Х) Қорақалпоғистон Респ.	61,8	3,5	5,6
И) Фарғона вилояти	55,7	6,2	11,1
Ж) Сурхондарё вилояти	54,2	4,2	7,7
К) Наманган вилояти	53,8	4,5	8,3

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекистикли уларнинг республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаларидаги фарқларни таҳлил қилиш орқали ифодалаш мумкин. 2020 йилда республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 14,6 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 9,8 % ва Самарқанд вилояти 7,3 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %), Жиззах (3,0 %), Хоразм вилоятларига (3,7 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,7 %) тўғри келмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ЯИМни шакллантиришда ЯИМнинг улуши Қорақалпоғистон Республикасининг, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг энг паст даражададир. Бу ҳол мазкур ҳудудларнинг катта-кичиклиги, улардаги ЯИМ ҳажми ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг бошқа ҳудудлардагига нисбатан бирмунча орқада қолаётганлиги билан изоҳланади.

2020 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида (56,8 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (66,8 %), қурилиш ва хизматлар соҳасининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (мос равишда, 10,2 % ва 53,3 %) кузатилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида (16,7 %), саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (7,9 %), қурилиш ва хизматлар соҳа-

сининг энг кам улуши Навоий вилоятида (мос равишда, 4,5 % ва 12,0 %) қайд этилди.

Таҳлил натижаларига кўра, минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот сифатидаги ўзгаришлар даражалари бўйича кескин фарқларнинг мавжудлигига қуйидагилар сабаб бўлганлигини кўрсатади:

- минтақаларда индустриал ривожланишнинг турли хил даражадалиги;
- ҳудуднинг жўғрофий жойлашуви, табиий иқлими ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқ таркибининг турли хиллиги;
- иқтисодиётда жами аҳоли сонига нисбатан бандлик даражасининг турлича эканлиги;
- минтақалар меҳнат салоҳиятининг сифати ва ундан фойдаланиш самарадорлигида фарқлар мавжудлиги;
- минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот сифатидаги ўзгаришлар даражаси бўйича кескин фарқларнинг энг асосий сабаби, улар индустриал ривожланиш даражасининг турлича эканлигидир [13].

Тадқиқот ишида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги номунатосибликларнинг унинг иқтисодий хавфсизлигига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан минтақалар рақобатбардошлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг муҳим интеграл кўрсаткичларидан бири аҳоли турмуш даражаси ва унинг сифатини тавсифловчи БМТ экспертлари



томонидан ишлаб чиқилган инсон тараққиёти индекси (ИТИ) алоҳида ўрин эгаллайди. Ягона методология бўйича ИТИ кўрсаткичининг ишлаб чиқилиши унинг динамикасини, нафақат алоҳида мамлакатлар бўйича, балки мамлакат ичидаги ҳудудлар бўйича ҳам аҳоли турмуш даражаси, минтақалар рақобатбардошлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш имконини беради. Муайян мамлакатнинг инсон тараққиёти индекси (ИТИ) қуйидаги учта кўрсаткичга боғлиқ:

1. Кутилаётган умр кўриш индекси:

$$(LEI = \frac{LE-20}{85-20}) \quad (3)$$

2. Саводхонлик даражаси индекси:

$$(EI = \frac{MYSI+EYSI}{2})$$

• Таълим индексининг ўртача давомийлиги:

$$(MYSI = \frac{MYS}{15}) \quad (4)$$

• Таълимнинг кутилаётган давомийлиги индекси:

$$(EYSI = \frac{EYS}{18}) \quad (5)$$

3. Даромад индекси:

$$(IИ) = \frac{\ln(GNIpc) - \ln(100)}{\ln(75000) - \ln(100)} \quad (6)$$

ИТИ ушбу индексларнинг ўртача геометрик йиғиндисига тенг:

$$HDI = \sqrt{LEI * EI * II} \quad (7)$$

LE – кутилаётган умр кўриш йили;

ЙС – саводхонлик даражаси;

ЕЙС – аҳолини ўқитишнинг кутилаётган давомийлиги, йилларда;

ГНИпс – ЯМД аҳоли жон бошига ХҚП бўйича АҚШ долларида.

Инсон тараққиёти индексини ҳисоблашда БМТ тавсияларига кўра, 85 ёш максимал умр кўриш давомийлиги, 25 ёш эса минимал давомийлиги сифатида қабул қилинади. Бу учта индекс 0 дан 1 гача бўлган сонли қийматлар кўринишида стандартлаштирилган бўлиб, уларнинг ўртача кўрсаткичи 0 дан 1 гача бўлган ораликдаги инсон ривожланиш индексининг агрегат кўрсаткичидир. Шунга кўра, инсон тараққиёти индексининг сон қиймати қанча катта бўлса, инсон ривожланиш даражаси шунча юқори бўлади [14].

Инсон тараққиёти индексини Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича қиёсий таҳлил қиламиз. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича аҳоли турмуш даражасининг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси (минтақалар бўйича 2010-2020 йиллар бўйича) [15]

Йиллар Минтақалар	2010			2015			2020		
	Аҳоли жон бошига ЯИМ, долларда	Аҳолининг ўртача умр кўриши, йил	Саводхонлик даражаси	Аҳоли жон бошига ЯИМ, долларда	Аҳолининг ўртача умр кўриши, йил	Саводхонлик даражаси	Аҳоли жон бошига ЯИМ, долларда	Аҳолининг ўртача умр кўриши, йил	Саводхонлик даражаси
Ўзбекистон Республикаси	1685,2	73,0	99,84	2516,8	73,6	99,98	1697,39	73,4	99,99
Қорақалпоғистон	803,05	70,4	99,83	1342,5	72,6	99,97	1107,54	72,5	99,98
Андижон	1050,4	72,0	99,84	1716,9	72,3	99,98	1176,61	73,3	99,99
Бухоро	1720,9	73,7	99,85	2444,9	75,0	100	1570,75	74,0	100
Джиззах	1183,2	75,8	99,83	1896,3	75,9	99,97	1253,36	74,4	99,98
Қашқадарё	1586,2	74,8	99,83	2051,2	74,8	99,96	1049,91	74,4	99,97
Навоий	3058,7	73,0	99,84	4076,4	74,3	99,99	4770,5	73,7	99,99
Наманган	884,6	72,9	99,85	1494,1	73,1	99,97	947,75	73,4	99,98
Самарқанд	1256,8	72,7	99,86	1856,2	73,7	99,98	1080,42	73,4	99,99
Сурхондарё	974,1	74,3	99,82	1658,5	74,4	99,97	905,76	73,3	99,97
Сирдарё	1428,0	70,1	99,83	2305,1	70,7	99,97	1453,69	72,1	99,98
Тошкент вил.	1779,3	71,7	99,86	2831,5	72,7	100	2108,47	72,4	100
Фарғона	1048,0	72,8	99,84	1673,6	73,8	99,98	958,0	74,5	99,98
Хоразм	1113,8	72,6	99,83	1837,8	72,9	99,99	1108,66	72,2	99,99
Тошкент ш.	2802,5	72,1	99,88	4458,9	73,7	100	3584,24	72,4	100


Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг энг катта ҳажми мос равишда Навоий вилоятига – киши бошига 2010 йилда 3058,7 долардан 2020 йилга келиб, 4770,5 долларга ўсган ва Тошкент шаҳри 2802,5 доллардан 3584,24 долларга ош-

ган. Бу ерда Навоий вилоятининг Тошкент шаҳрига нисбатан устунлик қилишига сабаб аҳоли сони бўлиб, Навоий вилоятида республика аҳолисининг 2,9 % қисми яшаса, Тошкент шаҳрида 7,6 % қисми тўғри келмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи

худудий маҳсулотнинг энг кичик ҳажми Наманган вилоятида – киши бошига 2010 йилда 884,6 доллардан 2020 йилга келиб, 947,75 ва Сурхондарё вилоятида, мос равишда, 974,1 доллардан 905,76 долларга ўсган. Ушбу вилоятларнинг республика кўрсаткичидан энг қуйи ўринда туришига сабаб аҳоли сони бўлиб, Наманган вилоятида 2020 йилда республика аҳолисининг энг катта 8,3 % қисми яшамоқда.

Аҳолининг энг юқори умр кўриш даражаси Фарғона вилояти учун хос бўлиб, 74,6 йилни

ташқил этади. Аҳолининг энг паст умр кўриш даражаси 72,1 йил билан Сирдарё вилояти учун хосдир. Бу учта индекс 0 дан 1 гача бўлган сон қийматлари кўринишида стандартлаштирилган бўлиб, уларнинг ўртача кўрсаткичи 0 дан 1 гача бўлган оралиқдаги инсон ривожланиш индексининг йиғма кўрсаткичидир. Шунга кўра, индекснинг сон қиймати қанча катта бўлса, инсон ривожланиш индекси ва минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси шунча юқори бўлади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси минтақаларида 2010-2020 йилларда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичининг ўзгариши

Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичи 0 га тенг ва минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси максимал даражада паст бўлган мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 25 йилни, аҳоли жон бошига ЯИМ 100 АҚШ долларини ташқил этиши ва аҳоли 100 % саводсиз бўлган бўлиши керак. Инсон тараққиёти индекси 0,5 дан кам бўлган мамлакат "паст ривожланиш" даражасига эга деб ҳисобланади, 0,8 дан ортиқ бўлган мамлакат "юқори ривожланиш"га ва минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси максимал даражада таъминланган деб ҳисобланади, 0,5 дан 0,8 гача бўлган қиймат "ўртача ривожланиш"га мос келади.

Расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, инсон тараққиёти индекси бўйича тадқиқ этилаётган даврда энг катта кўрсаткич Навоий вилояти, Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Бунинг асосий омили сифатида ушбу минтақаларда республиканинг асосий саноат корхоналари жойлашган бўлиб, натижада ушбу вилоятларда республика ЯИМнинг асосий

қисми ишлаб чиқарилмоқда: Навоий вилоятида – 5,3 % ва Тошкент шаҳрида – 9,4 %.

Расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2020 йилда республика ва унинг минтақаларида инсон тараққиёти индекси кўрсаткичининг пасайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатлар натижасида 2020 йил январь-июнь ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръати 5,8 %га, аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари 1,8 %га, асосий капиталга йўналтирилган ялпи инвестиция ҳажми 12,8 %га камайди [16]. Тадқиқ этилаётган даврда миллий иқтисодиётда қатор салбий тенденциялар: тармоқлар ва соҳалар бўйича маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш саноатда 6,7 %га, қурилишда 16,4 %га, савдода 9,2 %га, хизматларда 4,6 %га, юк ташишда 3,9 %га камайди [17].

Жаҳонда ва Ўзбекистонда коронавирус пандемиясининг 2020 йил йил бўйи давом

этиши Ўзбекистоннинг 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларида ҳам ўз ифодасини топди. 2019 йилга нисбатан ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръати 105,8 %дан 101,6 %га тушди. Бу, ўз навбатида, республика аҳолисининг йиллик 101,6 %га ўсиши шароитида аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари 0,3 %гача пасайишига олиб келди [18].

#### Хулоса ва таклифлар.

1. Минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот сифатидаги ўзгаришлар даражаси бўйича кескин фарқларнинг энг асосий сабаби улар индустриал ривожланиш даражасининг турлича эканлигидир.

2. 2020 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот сифатидаги ўзгаришлар аҳоли жон бошига sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси паст бўлган вилоятларда нисбатан сезиларсиз даражада бўлса-да, индустриал ривожланиш даражаси юқори бўлган гуруҳлар томон силжиш тамойиллари кузатилмоқда.

3. 2020 йилда индустриал ривожланган ҳудудларнинг ЯИМдаги ҳиссаси 2005 йилги кўрсаткичга нисбатан пасайган. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, алоҳида минтақаларнинг индустриал ривожланиш даражаларидаги фарқларини камайтиришга фақатгина уларнинг

мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш орқали эришиш мумкин.

4. Ўзбекистон учун инсон тараққиёти индекси 0,72 бўлиб, бу умуман ривожланишнинг ўртача даражасига тўғри келади.

5. Инсон тараққиёти индексининг энг юқори кўрсаткичи ва шунга мос равишда аҳоли турмуш даражаси Навоий вилояти (0,90) ва Тошкент шаҳри (0,89)га хос бўлиб, у юқори даражада ривожланиш даражаси ва минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси максимал даражада таъминланган ҳудудлар ҳисобланади. Юқоридаги барча кўрсаткичларга кўра, у ўртача республика даражасидан сезиларли даражада ошади.

6. Инсон тараққиёти индексининг энг кичик қиймати республиканинг Сурхондарё (0,65), Хоразм (0,66) ва Наманган (0,66) вилоятлари учун хос бўлиб, у ривожланишнинг ўртача даражаси ва минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси энг қуйи даражада таъминланган ҳудудларга тўғри келади. Республиканинг бошқа барча ҳудудларида ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Берсенева В.Л. Ведущие центры исследования проблем экономической безопасности в России. / В.Л.Берсенева. // Экономика региона. 2019. Т. 15, вып. 1. С. 29-42.
2. Davis L., North D. Institutional Change and American Economic Growth. – Cambridge, 1971. Pp. 5-6.
3. Дамаскин О.В. Федерализм и региональные проблемы экономической безопасности Российской Федерации. / О.В.Дамаскин. // Обозреватель. 2011. № 1-2 (156-157): <http://www.observer.htm>.
4. Бурькин, Н.В. Дюженкова, Г.Е. Лягушев. – Ярославль: Изд-во ЯАФЭИ, 2004. С. 20.
5. Расулов Т.С., Акбарова К.А. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий-электрон журнали. 4-сон, 2018 йил.
6. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Дарслик. – Т., 2019 й. – 455 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. – Т. 84-б.
9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил. – 170 б.
10. Жўраев Т., Абдуллаев С. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳудудий жиҳатлари ва ундаги ўзгаришлар. // Иқтисод ва таълим. 2015. 2-сон. 7-б.
11. Маматов А.А. Методологические теоретические вопросы сферы создания ВВП и его количественной меры. // “Иқтисод ва таълим” журнали, 2015 й., 5-сон. 29-б.
12. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. – Т., 2021. 19-б.
13. Салимов Б.Т. Ҳудудлар ялпи маҳсулотининг ўзгариш тенденциялари таҳлили ва устувор йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2018. 2-сон. 124-129-б.
14. Косьмин А.Д., Кузнецова О.П., Косьмина Е.А. Краткий обзор подходов к измерению человеческого развития. // Российское предпринимательство. 2017.
15. [www.stat.uz](http://www.stat.uz), [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
16. Туляков Э. COVID-19: Ўзбекистон томонидан амалга оширилган чоралар. // <https://strategy.uz/index>.
17. Маматов А.А. и др. Влияние пандемии коронавируса и глобального кризиса на динамику экономического роста в Узбекистане. Journal of Economy and entrepreneurship, Vol. 15, No. 6.
18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазири хузуридаги Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар институти томонидан ҳисобланган ва эълон қилинган маълумотлар.